Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 24 октябрь, № 217 (8840) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 23 октябрь куни БРИКС бирлашмаси давлатларининг саммитида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Қозон шаҳрига келди.

Аэропортда давлатимиз раҳбарини Татаристон Республикаси Раиси Рустам Минниханов ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Давлатимиз раҳбари Қозон шаҳрига ташрифи доирасида дастлаб Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан учрашув ўтказди.

Учрашувда Ўзбекистон — Ҳиндистон стратегик шериклик муносабатлари ва кўп қиррали ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Юқори технологиялар, сунъий интеллект, саноат, энергетика, фармацевтика, транспорт коммуникациялари бўйича дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилда Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ва бизнес форумини ўтказиш, шунингдек, саноат кооперацияси бўйича ўрта муддатли дастур қабул қилишга келишиб олинди.

Мамлакатларимизда Маданият ва кино кунларини, тиббиёт ва спорт соҳаларида ҳамда ёшлар иштирокида, шу жумладан, ёшларнинг парламент ташкилотлари доирасида қўшма тадбирлар ўтказиш таклифи билдирилди.

Етакчилар бўлажак олий даражадаги тадбирлар режасини ҳам муҳокама қилдилар.

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан учрашувда Ўзбекистон — Туркия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш бўйича долзарб масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Икки давлат раҳбарлари сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий ва гуманитар соҳалардаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлигини таъкидладилар.

Президентлар фаол мулоқотлар ва самарали алмашинувларни давом эттириш зарурлигини қайд этдилар.

Геология ва минерал ресурсларни қазиб чиқариш, электротехника, машинасозлик, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа соҳаларда кооперация лойиҳаларини илгари суриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қўшма маданий-гуманитар тадбирларни мунтазам ўтказиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Етакчилар халқаро ва минтақавий кун тартибининг муҳим жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

БРИКС саммити тадбирлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бирлашманинг Янги тараққиёт банки президенти Дилма Русефни қабул қилди.

Ушбу нуфузли кўп томонлама молиявий институт билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Таълим ва технологик ривожланиш соҳасидаги дастур ва лойиҳалар, ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш, саноат, инфратузилма ва логистикани модернизация қилиш, рақамлаштириш, энергетика ва коммунал тармоқлар шерикликнинг истиқболли йўналишлари сифатида қайд этилди.

Ҳамкорлик бўйича аниқ лойиҳаларни тайёрлаш учун қўшма экспертлар гуруҳини тузишга келишиб олинди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Сбербанк" президенти ва бошқаруви раиси Герман Грефни қабул қилди.

Учрашувда рақамли технологиялар, инновациялар ва таълим соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Тошкент шаҳрида рақамли технологиялар соҳасида юқори малакали мутахассислар ва муҳандислар тайёрлашга ихтисослаштирилган "Мактаб 21" таълим муассасасининг иккинчи кампуси иш бошлаганидан мамнуният билдирилди.

Шунингдек, банк сектори ва шаҳар инфратузилмасини бошқаришда самарали рақамли ечимларни жорий этиш бўйича муҳим қўшма лойиҳалар қайд этилди.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БРИКС саммитида иштирок этаётган делегациялар раҳбарларини қутлаш маросимида қатнашди.

"Казань Экспо" халқаро кўргазмалар марказида давлатимиз раҳбарини Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин кутиб олди.

Маросимда бир қатор мамлакатларнинг давлат ва ҳукуматлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Тадбирдан сўнг тантанали қабул маросими ўтказилди.

Шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёев БРИКС саммити доирасида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ва Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси билан суҳбатлар ўтказди.

Икки томонлама кун тартибидаги долзарб масалалар ва олий даражада эришилган келишувларнинг амалга оширилиши муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозон шаҳрига ташрифнинг биринчи кунида Татаристон Республикаси Раиси Рустам Минниханов билан ҳам учрашув ўтказди.

Ўзбекистон ҳудудларининг Татаристон билан ўзаро манфаатли ва кўп қиррали ҳамкорлигини янада кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда етакчи корхоналарнинг саноат кооперацияси ва фаол гуманитар алмашинув ўзининг амалий натижаларини бераётгани мамнуният билан қайд этилди.

Фаол мулоқотлар ва ўзаро ташрифларни давом эттириш, Ўзбекистон ҳудудида қўшма иқтисодий ва саноат зоналари фаолиятини кенгайтириш юзасидан келишувга эришилди.

Қозон шаҳрига ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Татаристон Республикасининг давлат мукофоти — "Дўстлик" ордени билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Юксак мукофотни давлатимиз раҳбарига Татаристон Раиси Рустам Минниханов тантанали равишда топширди.

Президентимиз ушбу орден билан Ўзбекистон ва Татаристон ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, халқлар ўртасида дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун мукофотланди.

Мамлакатимиз етакчиси Татаристон раҳбарига мукофот учун самимий миннатдорлик билдириб, сўнгги йилларда ўзаро ҳамкорликда юқори натижаларга эришилганини мамнуният билан қайд этди ҳамда Татаристон халқига эзгу тилакларини билдирди.

24 октябрь куни Ўзбекистон етакчиси "БРИКС плюс" форматидаги саммитнинг ялпи сессиясида нутқ сўзлайди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 12 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 21 сентябрда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигига бозор механизмларини жорий этиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек сувдан тежамли ва самарали фойдаланиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга қуйи бўғинда сув билан таъминловчи ташкилотлар ва сув истеъмолчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солган ҳолда, сув ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириш, шунингдек пахта хомашёси ва дон етиштиришдаги давлат буюртмаси амалиётини қонунчилик даражасида бекор қилиш йўли билан давлатнинг қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқаришдаги ролини янада камайтириш зарурияти мавжуд.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

2024 йил 23 октябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Ялпи мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Олий Мажлис Сенатининг эллик тўққизинчи ялпи мажлисида дастлаб "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Қонун билан телекоммуникация бозори ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибаси ва амалиёти чуқур таҳлил қилинди. Унда телекоммуникация бозорини тартибга солувчи регулятор ва ушбу бозорни ривожлантириш сиёсатини олиб борувчи давлат органларининг вазифалари аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Жумладан, қонунда тартибга солувчи органга телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш, рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга ошириш, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда ёки фавқулодда ҳолатларда телекоммуникация инфратузилмаларидан устувор фойдаланиш ҳамда уларнинг фаолиятини тиклаш ва ривожлантириш, операторлар ва провайдерларнинг фаолият кўрсатиши учун тенг ҳамда адолатли рақобат муҳитини таъминлаш ваколатлари берилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон тажрибаси халқаро экспертлар томонидан эътироф этилди

Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Гулнора Маъруфова Ўзбекистон делегацияси таркибида Швейцариянинг Женева шаҳрида бўлиб ўтган "ЕИК минтақасида гендер тенгликка эришишни жадаллаштириш бўйича мажбуриятларни баҳолаш" мавзуига бағишланган "Пекин+30" минтақавий таҳлил учрашувида қатнашди.

Учрашув

Унда хотин-қизларнинг иқтисодий ҳуқуқларини кафолатлаш, қарорлар қабул қилишдаги иштирокини кенгайтириш, аёллар ва қизларга нисбатан зўравонликларнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашишга оид масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон делегацияси гендер тенгликка эришиш, аёллар иқтисодий имкониятларини кенгайтириш ва сиёсий жараёнлардаги ролини ошириш бўйича ўз тажрибаси ҳақидаги ахборотни тақдим қилди. Юртимизнинг ушбу йўналишдаги тажрибаси халқаро экспертлар томонидан юқори баҳоланди ва минтақадаги илғор тажрибалардан бири сифатида эътироф этилди.

Тадбир доирасида делегациямиз "БМТ-аёллар" тузилмаси ижрочи директорининг норматив қўллаб-қувватлаш, БМТ тизимини мувофиқлаштириш ва дастур натижалари бўйича ўринбосари Н. Гумбонзванда билан учрашди.

Мулоқот асносида у Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқлари соҳасида сезиларли ютуқларга эришилаётганини таъкидлади ҳамда мамлакатни аёллар ҳуқуқларини минтақавий ва глобал миқёсда ҳимоя қилишни илгари суришни давом эттиришга чақирди.

Тадбир якуни бўйича Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси мажбуриятларини минтақада амалга оширишни янада жадаллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

САЙЛОВ — 2024

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Ўзбекистон «Адолат» СДП номидан «Юзма-юз мулоқотлар хайрихоҳларимиз сафини кенгайтирмоқда» сарлавҳали мақола эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2024 йил 24 октябрь

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунларига Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги ирригация бўлимлари ҳамда махсус хизматлар негизида ташкил этилган «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасаларининг вазифалари ва ваколатларини, шунингдек қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув олиш лимитлари халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан тасдиқланишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бундан ташқари тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб берилишини таъминлаш бўйича фермер хўжаликларининг мажбурияти ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга сув етказиб бериш хизматлари учун тўловлар бекор қилинмоқда.

Ушбу Қонун сув ресурсларини самарали бошқариш тизими жорий этилишига, қишлоқ хўжалигида эркин рақобатни таъминлашга ҳамда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатдорлигини оширишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган **«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»**ги 837–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4–5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2000 йил, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 11, 791-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда, № 11, 1065-модда; 2022 йил, № 11, 1061-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 1, 7-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **2¹-модданинг**:

ўн бешинчи хатбошисидаги «туманларнинг ирригация бўлимлари» деган сўзлар «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн тўққизинчи хатбошиси «сув етказиб бериш бўйича хизматлар» деган сўзлардан кейин «(бундан сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув етказиб бериш хизматлари мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **7-модда**:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«сув истеъмолчиларининг қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув олиш лимитларини ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда тасдиқлаш»;

тўртинчи – саккизинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи – тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

3) **27-модда учинчи қисмининг**:

тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«сув истеъмолчилари уюшмаларига, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмолчиларига – туман аҳамиятига молик сув объектларидан, шу жумладан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув объектларидан «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасалари томонидан берилади»;

бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

4) **30-модданинг**:

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда бошқа сув истеъмолчиларининг қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув олиш лимитлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва ҳудудий қишлоқ хўжалиги бошқармалари томонидан ишлаб чиқилади ҳамда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан тасдиқланади»;

олтинчи қисми «сувни етказиб бериш бўйича хизматлари» деган сўзлардан кейин «(бундан сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув етказиб бериш хизматлари мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **35¹-модда биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошиси** «сувни етказиб бериш бўйича хизматлар» деган сўзлардан кейин «(бундан сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув етказиб бериш хизматлари мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **48-модда**:

учинчи ва **тўртинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сув истеъмоли режалари «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасалари томонидан тузилади ва тасдиқланади. «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасалари сув истеъмоли режаларини умумлаштиради ва сувдан фойдаланиш режаларини тузади.

«Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасаларининг сувдан фойдаланиш режалари Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан умумлаштирилади»;

бешинчи қисмининг:

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасаси туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими билан келишилган ҳолда – сув истеъмолчилари бўйича»;

учинчи хатбошисидаги «туман (Қувасой шаҳар) ирригация бўлими бўйича» деган сўзлар «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасаси бўйича» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **53-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамоа боғлари, токзорлари, экинзорларини ва томорқа ер участкаларини сув билан таъминлаш белгиланган тартибда «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасалари томонидан сув етказиб бериш ва сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартномага асосан амалга оширилади.

Фуқароларнинг экинзорларини ва томорқа ер участкаларини суғориш учун сув ресурсларини ажратиш халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан тасдиқланадиган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг сув олиш лимитларида назарда тутилади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг экинзорларни ва томорқа ер участкаларини суғориш учун сувга бўлган эҳтиёжларини умумлаштиради, сув етказиб бериш ва сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш тўғрисида шартномалар тузади, улар ўртасидаги сувни истеъмол қилиш тартибини белгилайди, шунингдек суғориш тармоқларида таъмирлаш-тиклаш ишларини ташкил этади»;

8) **54-модданинг биринчи қисмидаги** «сув истеъмолчилари уюшмалари ҳамда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

9) **82-модданинг**:

иккинчи қисмидаги «Сув истеъмолчилари уюшмалари, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчиларнинг» деган сўзлар «Сувдан фойдаланувчиларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «сув истеъмолчилари уюшмалари ҳамда бошқа» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

10) **106-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** «сувни етказиб бериш бўйича хизматлар» деган сўзлардан кейин «(бундан сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув етказиб бериш хизматлари мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Фермер хўжалиги тўғрисида»**ги 602–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган 662–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 4, 199-модда, № 12, 886-модда; 2020 йил, № 1, 2-модда, № 9, 540-модда, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **6-модданинг иккинчи қисмидаги** «белгиланган тартибда» деган сўзлар «ушбу Қонуннинг 11-моддасида белгиланган тартибда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **15-модданинг матнидаги** «уларга хизмат кўрсатувчи сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан белгиланадиган» деган сўзлар «тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва ҳудудий қишлоқ хўжалиги бошқармалари томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан тасдиқланадиган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **17-модда биринчи қисмининг**:

саккизинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

тўққизинчи – ўн саккизинчи хатбошилари тегишинча **саккизинчи – ўн еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

тўққизинчи ва **ўнинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«сувни тежаш, сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини кўриши;

сув ресурсларидан «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасаси билан тузилган сув етказиб бериш ва сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартномага биноан фойдаланиши, шунингдек фермерларарo ички суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини, улардаги иншоотларни таъмирлаш ҳамда тиклашда иштирок этиши, уларни техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаши, улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиши»;

4) **24-модданинг биринчи қисмидаги** «шу жумладан давлат эҳтиёжлари учун реализация қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **30-модданинг матнидаги** «давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот реализация қилиш шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **35-модданинг биринчи қисмидаги** «тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулоти назарда тутилган ҳажмларда етказиб берилишини таъминлаш бўйича, шунингдек» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»**ги 69–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда қабул қилинган ЎРҚ–328-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 5, 133-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 384, 385-моддалар; 2018 йил, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 3, 166-модда, № 12, 886-модда; 2020 йил, № 1, 2-модда, № 11, 652-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 6, 577-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда) **28-моддасининг биринчи қисмидаги** «уларга хизмат кўрсатувчи сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан белгиланадиган» деган сўзлар «тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва ҳудудий қишлоқ хўжалиги бошқармалари томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан тасдиқланадиган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда, № 8, 470-модда, № 9, 588-модда, № 11, 791-модда, № 12, 884, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 11, 652-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 803, 804-моддалар, № 10, 973-модда, № 12, 1198-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда, № 6, 577-модда; 2023 йил, № 4, 272-модда, № 11, 923-модда) **72-моддаси 2-бандининг иккинчи хатбошисидаги** «ирригация тизимларининг ҳавза бошқармалари ҳузуридаги туманлар (Қувасой шаҳри) ирригация бўлимларини» деган сўзлар «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 1 апрелда қабул қилинган **«Деҳқон хўжалиги тўғрисида»**ги ЎРҚ–680-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 286-модда; 2022 йил, № 11, 1061-модда; 2023 йил, № 11, 919-модда) **11-моддасининг биринчи қисмидаги** «унга хизмат кўрсатувчи сув истеъмолчилари уюшмаси томонидан белгиланадиган» деган сўзлар «тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва ҳудудий қишлоқ хўжалиги бошқармалари томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан тасдиқланадиган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

8-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 22 октябрь
№ ЎРҚ–981

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
эллик тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, тартибга солувчи органнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талаблари барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий этиб белгилаб қўйилмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларига енгиллик бериш билан бирга ҳукуматнинг иқтисодиёт ва жамиятни рақамлаштириш бўйича стратегик дастурининг муҳим қисми бўлган телекоммуникация секторининг барқарор ривожланиши учун мустаҳкам пойдевор яратади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

Мазкур қонун янгиланган Конституцияга мос равишда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни тўлақонли таъминлаш ва кучайтиришни назарда тутувчи бир қатор ўзгартиришларни ўз ичига олган.

Хусусан, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлис палаталарига ва Вазирлар Маҳкамасига инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа чора-тадбирлар кўришга қаратилган махсус маърузалар тақдим этиши белгиланмоқда.

Қонун билан Омбудсманнинг қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш ҳуқуқи жорий этилмоқда.

Шунингдек, Омбудсман ва унинг ўринбосари ваколатлари, дахлсизлигининг қўшимча кафолатлари ҳам жорий этилиб, уларга юклатилган вазифаларнинг муаммосиз ва самарали бажарилиши қонунда мустаҳкамланмоқда.

Қонунда сайланиш куни ўттиз ёшга тўлган, камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Омбудсман лавозимига сайланиши мумкинлиги назарда тутилмоқда.

Шунингдек, қонунда жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналари ҳудудида "Омбудсман қутиси" тушунчаси киритилиб, унга озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг мурожаат қилишининг ҳуқуқий механизми белгиланмоқда.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) институтининг мустақил миллий институт сифатидаги аҳамиятини янада ошириб, Омбудсман фаолиятининг институционал асосларини такомиллаштиради.

Унинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш борасидаги ваколатлари кенгайишига ва ҳудудий вакилликлари фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Бундан ташқари, ялпи мажлисда "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Қонун билан Солиқ кодексига юқори барқарорлик рейтингига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари учун рағбатлантириш чоралари жорий этилишини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Кодексга тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги тушунчаси киритилмоқда.

Юқори барқарорлик рейтингига эга бўлган тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиқлар бўйича (бундан қўшилган қиймат солиғи мустасно) ортиқча тўланган суммани қайтариш уч кунлик муддатда амалга оширилиши белгиланмоқда.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги бўйича "ААА" тоифадаги тадбиркорлик субъектларига нисбатан эса солиқ текширувлари ўтказилмайди (бундан жиноий ишлар доирасида ўтказиладиган текширувлар мустасно).

Мазкур тоифадаги тадбиркорлик субъектларига қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш камерал солиқ текширувидан ўтказилмасдан бир кунлик муддатда амалга оширилади.

Мазкур қонун солиқларни ўз вақтида тўлаётган ва қонунчилик талабларига мувофиқ фаолиятни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратишга ҳамда уларни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Қизғин муҳокамадан сўнг қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, Сенатнинг ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига ипакчилик тармоғини янада ривожлантиришга қаратилган қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда ипакчилик соҳасини янада ривожлантириш, тутзорларни ташкил этиш ва ипак қуртини боқиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда даромадларини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим тармоқлардан бири ҳисобланган пиллачиликда изчил ислоҳотлар амалга оширилиб, бугунги кунда республикамизда пиллани қайта ишлаш, ипак қурти уруғчилиги ва тутчилик хўжаликларининг фаолияти йўлга қўйилган, шунингдек, соҳада 108 минг доимий ва 1 миллиондан ортиқ мавсумий ишчиларнинг бандлиги таъминланмоқда.

Акмал МУҲАММАДОВ олган сурат.

Солиқ кодексининг 483-моддасига 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда жисмоний шахсларнинг уй шароитида тирик пилла етиштириш (касаначилик) фаолиятидан олинган даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинишини назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда.

Қонунга кўра пилла етиштирувчи юридик шахсларнинг уй шароитида пилла етиштирувчи касаначилар меҳнатига ҳақ тўлашга йўналтириладиган маблағлари ҳамда бўшаган маблағларни касаначиларни моддий рағбатлантиришга йўналтириш шарти билан ижтимоий солиқдан озод қилинади.

Қонунда пилла етиштириш соҳасида озуқа базаси сифатида фойдаланиладиган тутзорлар билан банд бўлган ер участкалари учун ер солиғи халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари белгилаган солиқ ставкаларига нисбатан 0,1 коэффициент қўлланилган ҳолда ҳисоблаб чиқарилиши белгиланмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада ишлаб чиқариш ҳажми, тайёр маҳсулот улуши ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш имконини беради.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенатнинг эллик тўққизинчи ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ ҳамда Божхона кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Қонун билан тезкор-қидирув тадбирлари тизимларининг техник воситаларини республика ҳудудига олиб киришда телекоммуникациялар операторларига солиқ ва божхона имтиёзлари берилмоқда.

Солиқ кодексига киритилаётган қўшимчага мувофиқ эндиликда махсус ваколатли давлат органи томонидан республика ҳудудига олиб кириладиган тезкор қидирув тадбирлари тизими техник воситалари солиқ солишдан озод қилинади ва мазкур техник воситалар солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

Бундан ташқари, Божхона кодексига юқорида кўрсатилган техник воситаларни божхона божини тўлашдан озод қилиш тарзида тариф имтиёзлари берилишини назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда.

Шунингдек, ҳарбий хизматни назарда тутувчи бошқа идоралар ҳарбий юклар божхона расмийлаштирувида божхона йиғимини тўлашдан озод қилинмоқда.

Сенаторлар таъкидлаганидек, қонун белгиланган солиқ ва божхона имтиёзларидан тезкор-қидирув тадбирлари тизимларининг техник воситаларини республика ҳудудига олиб киришда фойдаланиш тартибини янада такомиллаштиришга ҳамда тезкор-қидирув тадбирлари самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Муҳокамадан сўнг қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан бирга, Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ер участкаларидан самарали фойдаланиш, соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда ердан оқилона ва самарали фойдаланиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида аҳолининг ерга бўлган муносабати тубдан ўзгарди.

Аммо соҳада ҳануз айрим камчиликлар сақланиб қолаётганлиги қонунчиликни янада такомиллаштириш зарурлигини юзага келтирди ва шу мақсадда мазкур қонун ишлаб чиқилди.

Қонун билан амалиётга бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузганлик билан боғлиқ қилмишлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда.

Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш каби жиноятлар фақатгина прокуратура органлари томонидан тергов қилиниши белгиланмоқда.

Амалдаги қонунчиликка кўра бундай турдаги жиноятларни тергов қилиш нафақат прокуратура, балки ички ишлар органлари терговчилари томонидан ҳам амалга оширилар эди.

Иқтисодий ва Фуқаролик процессуал кодекслари ўзбошимчалик билан эгалланган давлат эгалигидаги ер участкаларини қайтариш ҳамда ноқонуний қурилмаларни бузиб ташлашга оид ишларни судларда кўриб чиқишнинг алоҳида тартибини белгиловчи нормалар билан тўлдирилмоқда.

Шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фуқаролик ва иқтисодий судларга ер тўғрисидаги қонун бузилиши билан боғлиқ даъво ариза киритишда давлат божидан озод этилиши белгиланмоқда.

Муҳокама давомида қонуннинг қабул қилиниши ер участкаларига нисбатан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш самарадорлиги ошишига, жиноятлар бўйича етказилган зарарнинг ўз вақтида ундирилишига хизмат қилиши таъкидланди.

Қизғин муҳокамадан сўнг қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик тўққизинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР ХАЙРИХОҲЛАРИМИЗ САФИНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудида 27 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига бўлиб ўтадиган сайловолди тарғибот ва ташвиқот ишлари қизғин паллага кирди. Хусусан, депутатликка номзодлар сайловчиларни ўз дастурларида илгари сурилаётган мақсад ва вазифалар билан яқиндан таништирмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлиги учун кўрсатилган номзодлар ҳам ҳудудларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда. Уларда сайловчилар партия Сайловолди дастурида белгиланган муҳим таклиф ва ташаббуслар билан яқиндан таништирилмоқда.

Ана шундай тарғибот ва ташвиқот тадбирларининг дастлабкиси **Самарқанд вилояти** сайловчилари билан уюштирилди. Унда Сиёсий Кенгаш раиси Робахон Маҳмудова, вилоят ва маҳаллий Кенгашлар ходимлари, партия фаоллари, депутатликка номзодлар, маҳалла фаоллари, сайловда илк бор қатнашаётган ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Партия етакчиси ўз маърузасида янги Сайловолди дастурида халқимиз орзу-истаклари, фикр-мулоҳазалари, кўплаб соҳаларда ривожланиш истиқболлари қамраб олинганига, ҳар бир йўналишда илгари сурилган халқчил таклифлар партиянинг келгуси беш йилликдаги устувор йўналишларини белгилаб беришига алоҳида тўхталди.

Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Муҳаммад Валиев Сайловолди дастуридаги иқтисодий барқарорликни таъминлаш, партия электорати вакилларининг ижтимоий муҳофазаси ва хотин-қизлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамиятдаги тенгликни таъминлаш ҳамда давлат бошқарувининг шаффофлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган қатор ғоя ва ташаббуслар билан сайловчиларни таништирди.

Учрашувда сўзга чиққан тадбир иштирокчилари ҳам партия Сайловолди дастурини қўллаб-қувватлади.

— Партиямиз томонидан маънавий тараққиётга эришиш, мамлакатимизда илм-фан, инновациялар ва таълим соҳасининг барқарор ривожини таъминлашга қаратилган ғояларнинг илгари сурилгани мен каби барча самарқандликларни қувонтирди, — **деди тадбирда сўзга чиққан партия фаоли Асқар Холиқов.**

Партия сунъий интеллект асосида **“ақлли мактаб”** дастурини таълим тизимига жорий этишни устувор вазифалардан бири, деб билади. Дарҳақиқат, мактаб таълими — келажак асоси. Фақат замонавий маърифат, чуқур билимгина бизни ёрқин келажакка бошлаб борувчи йўлдир. Шу сабабли дастурдаги таълим соҳасини ислоҳ қилиш таклифи кўпчиликка манзур бўлди.

Адолатчиларнинг навбатдаги сайловолди учрашуви **Қорақалпоғистон Республикаси** Нукус шаҳридаги қорақалпоқ этноовулида бўлиб ўтди. Учрашувда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, туман ва шаҳарлар Кенгашлари депутатлигига кўрсатилган номзодлар йиғилганларни партия Сайловолди дастури билан таништирди.

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Шахноза Абдираманова сайловчиларни Сайловолди дастурида экологик муаммоларни ҳал этиш, бу йўналишда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, биринчи навбатда, ушбу муаммоларнинг иқтисодий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

— Бугун барча экологик муаммоларни ва у билан боғлиқ фуқаролар саломатлигини ҳимоя қилиш масалаларини фақат Давлат бюджетига юклаш тўғри бўлмайди. Шу боис биз **“Экологияни ифлослантирувчи — компенсация тўлаши лозим”** деган принцип тарафдоримиз, — **деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Шахноза Абдираманова.**

Таъкидланганидек, партия дастурида Орол минтақасида яшовчи фуқароларнинг тақдири билан чамбарчас боғлиқ экологик муаммоларга ижобий ечим топиш масалалари ҳам илгари сурилган. Хусусан, Марказий Осиёда сув танқислигининг олдини олиш мақсадида қўшни давлатлар билан сув захирасини сақлаш ва кенгайтириш бўйича ҳамкорликни кучайтириш, **ноқулай ва самарасиз ерларни** ишсиз одамларга бўлиб бериш ва молиялаштириш орқали яшил ўрмонзорлар барпо этиш таклиф қилинмоқда.

Самимий мулоқот руҳида бўлиб ўтган учрашув якунида партия фаоллари ҳамда қатор иштирокчилар Сайловолди дастури юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Учрашувда партиямизнинг Сайловолди дастурида илгари сурилаётган ғоя ва мақсадлар билан атрофлича танишиш имконига эга бўлдик, — **деди “Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашидаги “Аёллар қаноти” раиси Улбосин Сейтжанова.** — Айниқса, дастурнинг еттинчи йўналиши бугунги кундаги долзарб масала — экология, атроф-муҳитни ҳимоя қилишга бағишлангани диққатга сазовор. Хусусан, ушбу йўналишда партия Сайловолди дастурида давлатнинг ер ости ва ер усти захираларини ҳимоя қилиш, табиий бойликларни самарасиз қазиб олишни чеклаш чоралари акс этгани эътиборимизни тортди.

Шу билан бирга, тадбирда сўзга чиққанлар иштирокчиларни бўлажак сайловларда партиядан кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП фаолларининг **Тошкент шаҳри** сайловчилари билан учрашуви Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бўлиб ўтди. Тадбирда таъкидланганидек, Сайловолди дастурида илгари сурилаётган ғоя ва вазифалар “Адолат” партиясининг дастурий мақсадларига ҳар жиҳатдан ҳамоҳанг бўлиб, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳасида адолат тамойилларини барқарор таъминлашни назарда тутади.

Сайловолди дастурида партия учун тиббиёт соҳасидаги биринчи галдаги вазифа сифатида тиббиёт ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш, олис ва чекка ҳудудлардаги оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда тор соҳа мутахассислари фаолиятини йўлга қўйиш таклиф қилинган.

Қолаверса, партия аҳолига кафолатли тиббий хизмат кўрсатиш ва тармоқда замонавий технологияларни жорий этиш борасида **“Ақлли тиббиёт”** тизимининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиб, соғлиқни сақлаш соҳасини тўлиқ рақамлаштириш, **“электрон поликлиника” ва “ягона электрон анкета”** тизимларини йўлга қўйишни муҳим, деб ҳисоблайди.

— Дастурдан ўрин олган энг муҳим жиҳат, албатта, халқ саломатлиги масаласидир. Хусусан, партия нодавлат тиббиёт ташкилотларини тижорат ташкилотидан нотижорат ташкилотига ўтказиш бўйича амалий чораларни кўриш таклифини илгари сурмоқда. Яъни партия тиббиёт даромад олиш манбаига айланмаслиги тарафдори, — **дейди Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгаши депутатлигига номзод Луиза Ҳикматова.** — Бунинг механизмлари, хусусан, тиббиёт суғуртасини ривожлантириш эса кўпчилик мутахассислар томонидан ишлаб чиқилиши керак бўлади.

Партия фаолларининг Тошкент вилоятидаги “Nurafshon business city” хиёбонида **“Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари!”** шиори остида бўлиб ўтган оммавий тадбири, нафақат Тошкент вилояти аҳолиси, қолаверса, бошқа ҳудуд сайловчилари кўнглидан ҳам чуқур жой эгаллади.

Оммавий тадбирда сўзга чиққанлар томонидан партиянинг сўнгги йиллардаги самарали фаолияти ва Сайловолди дастурида илгари сураётган ғоялари ҳақида батафсил маълумот берилди. Жумладан, партиянинг асосий мақсади — халқимиз учун муносиб, адолат ва қонун устувор бўлган жамият барпо этиш эканлиги алоҳида таъкидланди.

— Партиямиз дастурида депутатларнинг сайловчилар билан тўғридан-тўғри мулоқотини йўлга қўйиш ва муаммоларга жойида ечим топиш мақсадида **депутатлар иш вақтининг ярмини,** албатта, ўз **сайловчилари олдида ўтказиш**ини белгиловчи тартибни жорий этиш таклиф қилинган, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Беҳзод Тўхтамуродов.**

Умуман, ўтказилаётган бу каби оммавий тадбирлар партиянинг сайловолди фаолиятининг муҳим қисми, шу билан бир қаторда, халқ билан яқинлашишнинг ва биргаликда янги ўзгаришларни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми ҳамдир.

Шу нуқтаи назардан, “Адолат” СДП бундай самарали тарғибот тадбирларини мамлакатимизнинг бошқа вилоят, туман ва шаҳарларида тизимли равишда ўтказиб келмоқда. Ушбу тадбирлар орқали аҳоли орасида партия ғояларини янада кенгроқ тарғиб қилиш, сайловларнинг аҳамиятини ошириш ва фуқароларни сайлов жараёнига фаол жалб этиш мақсад қилинган.

Ҳудудларда бўлиб ўтаётган оммавий тадбирлар ва учрашувларда сўзга чиққанлар партия Сайловолди дастурида таклиф этилаётган устувор мақсад ва ғоялар халқ фаровонлиги ва Ватан равнақига хизмат қилишини эътироф этиб, тадбир иштирокчиларини жорий йилнинг 27 октябрь куни бўлиб ўтадиган сайловларда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ва унинг номзодларини қўллаб-қувватлашга чақиришмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Матбуот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ВА УНИНГ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Мудофаа ва хавфсизлик:

ФАОЛИЯТГА ТАНҚИДИЙ БАҲО БЕРИШ ОРҚАЛИ ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШ МУМКИН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан миллий хавфсизлик каби ўта муҳим соҳани қонун талаблари асосида бошқариш самарасини ошириш мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ва Қуролли Кучлар салоҳиятини мустаҳкамлаш борасидаги стратегик вазифалардан бири сифатида белгиланган. Шу билан бир қаторда, давлатимиз раҳбари томонидан Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган мажлисларида Мудофаа доктринаси ижроси устидан доимий равишда парламент назоратини амалга ошириш, Олий Мажлис палаталари мажлисларида ҳарбий қурилиш масалаларини муҳокама қилиш зарурлиги таъкидланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2020 — 2024 йиллардаги фаолиятини Президентимизнинг ҳарбий қурилиш масалаларига бағишланган маърузалари ва қарорларида, шунингдек, 2020 йил 20 январда бўлиб ўтган IV чақириқ Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижроси мезони орқали баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Сарҳисоб

Қонун талаблари асосида бошқаришни такомиллаштириш — стратегик вазифа

Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунларнинг ҳар жиҳатдан мукаммал бўлиши аҳоли фаровонлигини ошириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади. Ҳисобот даврида қўмитамиз кўриб чиқадиган қонун лойиҳалари сони аввалги йиллардагига қараганда анча кўпайди.

2020 — 2024 йиллар давомида қўмита 81 та қонун лойиҳасини қуйи палата мажлисларида кўриб чиқиш учун тайёрлашга масъул бўлди. Масалан, 16 та яхлит қонун лойиҳаси, 55 та амалдаги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ҳамда 10 та халқаро шартномани ратификация қилишга доир қонун лойиҳалари шулар жумласидандир. Улардан 69 таси парламент томонидан қабул қилинган бўлса, 8 та қонун лойиҳаси қўмитанинг фикр-мулоҳазалари ва тавсияларини инобатга олган ҳолда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларига қайта кўриб чиқиш учун қайтарилди ёки улар томонидан чақириб олинди, 3 таси эса қайта кўриб чиқишдан олиб ташланди.

Таъкидлаш жоизки, 2024 йилда қонун ижодкорлиги жараёнини ташкил этишни такомиллаштириш ҳисобига қўмитамиз томонидан битта қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлашга сарфланган вақтни ўртача 17 иш кунигача (2022 йилда — ўртача 40 иш куни) қисқартиришга эришилди.

Қўмитамиз томонидан тайёрланган яхлит қонунлар қаторида 2021 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки айрим ҳудудларида фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартибини белгилаб берувчи “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Конституциявий Қонунни алоҳида таъкидлаш лозим. Зеро, ушбу қонунда фавқулодда ҳолат жорий этиш вазиятлари, қўлланиладиган фавқулодда чоралар ва вақтинчалик чекловларнинг аниқ рўйхати, шунингдек, фавқулодда ҳолат шароитида уларни қўллаш чегаралари белгилаб берилган. Шу билан бирга, фавқулодда ҳолатни таъминлаш бўйича махсус давлат органларининг вазифалари ва функциялари ҳамда фавқулодда ҳолат шароитида жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек, мансабдор шахслар ҳуқуқларининг кафолатлари мустаҳкамлаб қўйилди.

2023 йил сентябрь ойидан кучга кирган янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонун ҳам қўмитамиз томонидан мутахассислар билан биргаликда маромига етказилди. Ҳужжат билан давлат органларининг давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, юридик шахслар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишдаги иштироки масалалари тартибга солинди. Шахслар ва транспорт воситаларининг давлат чегарасини кесиб ўтиш тартиби, шахслар, транспорт воситалари ва товарларни давлат чегараси орқали ўтказишни вақтинча чеклаш ёки тўхтатиб туриш учун асосларнинг аниқ рўйхати белгиланди. Ҳарбий хизматчилар ва ходимларнинг давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишда махсус воситалар, қурол-яроғ ва ҳарбий техникадан фойдаланиши масалалари қатъий белгиланди.

2024 йил август ойида янги таҳрирдаги “Давлат сирлари тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, парламентнинг юқори палатасига юборилди. Сенатнинг кеча бўлиб ўтган мажлисида маъқулланган ушбу ҳужжат билан маълумотларни давлат сирларига киритишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари белгилаб берилди, давлат сирларидан фойдаланиш ва уларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинди.

Ўтган даврда қўмитамиз томонидан “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”, “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”, “Йўл ҳаракати тўғрисида”, “Пробация тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”, “Давлат мудофаа буюртмаси тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар тайёрланди.

Қўмита аъзолари томонидан давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш ҳамда йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик масалаларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган 5 та қонун лойиҳасини тайёрлашда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланилди. Эътиборлиси, ана шундай қонун лойиҳаларидан бири “Mening fikrim” портали орқали фуқаролардан келиб тушган таклифлар асосида ишлаб чиқилган.

Парламент назоратини амалга оширишда самарадорлик

Сўнгги беш йилда қўмитамиз аъзолари ўзининг асосий вазифасини, яъни қонун ижодкорлигини амалга ошириш билан бирга ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини ҳам олиб борди. Хусусан, қўмитамиз томонидан “Парламент назорати тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонунлар талабларини инобатга олган ҳолда ҳисобот даврида мамлакат мудофааси ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги вазифалар ижросини ўрганиш юзасидан 53 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилди.

Жумладан, қўмита йиғилишларида давлат органлари раҳбарларининг 17 марта ахборотини эшитиш, давлат органлари томонидан қонун ҳужжатлари ижроси ҳолатини жойларга чиқиб ўрганиш бўйича 25 та тадбир ўтказилди. Қўмита ташаббуси билан 3 марта қуйи палата мажлисларида давлат органлари раҳбарларининг ахбороти эшитилди, уларга 8 та парламент сўрови юборилди.

Шу билан бирга, депутатлар томонидан Жануби-Ғарбий махсус, Шарқий, Шимоли-Ғарбий ва Марказий ҳарбий округлари мисолида қўшинларнинг жанговар шайлиги ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг профессионал ва ахлоқий-руҳий тайёргарлигини яхшилаш борасидаги ишлар жойига чиққан ҳолда ўрганилди.

Қўмитанинг йиғилишларида куч тузилмалари раҳбарларининг бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тўғрисидаги ахборотини эшитиш амалиёти илк бор жорий этилди. Бунда Ҳисоб палатаси, Давлат молиявий назорати инспекцияси ва ички аудит бўлинмалари томонидан ўтказилган текширувлар материалларининг дастлабки таҳлилига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, қўмитанинг назорат-таҳлил фаолияти доирасида фуқаролар томонидан ҳарбий хизматни ўташ, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фуқаролар бандлигини таъминлаш масалалари ҳам ўрганилди.

Шунингдек, депутатлар томонидан жойларга чиққан ҳолда “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”, “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар ижроси ўрганилди.

Юқорида қайд этилган назорат-таҳлил тадбирлари якунлари бўйича аниқланган муаммоларни ҳал этиш ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутувчи қўмита ва Қонунчилик палатасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва куч ишлатар органлар фахрийларидан келиб тушган мурожаатларда кўтарилган муаммоларни масъул идоралар билан биргаликда ўрганиш ва ҳал этиш қўмита фаолиятининг йўналишларидан бири бўлди.

Бинобарин, 2021 — 2023 йиллардаги Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларининг мурожаатлари таҳлили натижаларига кўра вазирлик, Ҳарбий прокуратура раҳбарияти, шунингдек, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) иштирокидаги қўмита йиғилишида ҳарбий хизматчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларнинг ҳуқуқлари ишончли ҳимоясини таъминлаш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Ўтган даврда қўмита томонидан Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ва унинг ҳудудий бошқармалари билан ҳам амалий ҳамкорлик йўлга қўйилиб, назорат-таҳлил фаолияти сифатини оширишда уларнинг имкониятларидан фойдаланилди.

Экспертлар салоҳиятидан фойдаланиш амалиёти ва тизимли ёндашув зарурати

Ўтган чақириқ мобайнида қўмита илмий-эксперт ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатди. Жумладан, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар орасида қўмита ташаббуси билан илк бор “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан “Ўзбекистон ёшлари ўзи, армия ва ватанпарварлик ҳақида” мавзуида туркум социологик тадқиқотлар ўтказиш ташкил этилди. Уларнинг натижалари қўмитанинг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти самарадорлигини оширишда фойдаланилди.

Қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси, Жамоат хавфсизлиги университети, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби, Божхона институти каби олий ҳарбий ва ихтисослаштирилган таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик механизми йўлга қўйилди. Жумладан, курсант ва тингловчиларни парламент фаолияти билан яқиндан таништириш, уларга янги қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш ҳамда профессор-ўқитувчилар ва тингловчилар салоҳиятидан қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва назорат-таҳлил фаолиятини режалаштиришда самарали фойдаланиш мақсадида қўмита аъзолари томонидан улар билан учрашувлар ўтказиш амалиёти жорий этилди.



Шу ўринда қўмитанинг ҳисобот давридаги фаолиятига танқидий баҳо берар эканмиз, тўлиқ фойдаланилмаган имкониятларни ҳам қайд этиш лозим. Жумладан, қатор сабабларга кўра қўмита аъзоларининг айрим қонунчилик ташаббусларини охиригача амалга оширишга эришилмади. Қабул қилинган қонунлар ижроси назоратида тизимли ёндашув талаб этилади. Мудофаа ва хавфсизлик соҳасини қонунчилик йўли билан тартибга солиш ҳамда парламент назорати амалиёти бўйича хорижий тажрибани ўрганиш учун халқаро ҳамкорларнинг имкониятларидан етарлича фойдаланилмади.

Бугунги кун мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари салоҳиятини кучайтиришда парламентнинг роли ва масъулиятини янада ошириш зарурати ҳар қачонгидан ҳам муҳим эканини кўрсатмоқда. Шу маънода, соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, халқ фаровонлигини юксалтириш ва жонажон Ватанимизни янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш устувор вазифамизга айланмоғи зарур.

Эркин САЛИХОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2024 йил 24 октябрь

ДОЛЗАРБ ҚОНУНЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Кеча ўз ишини бошлаган Олий Мажлис Сенатининг эллик тўққизинчи ялпи мажлисининг биринчи кунида қатор долзарб қонунлар кўриб чиқилди. Уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида сенаторлар фикр билдирди.

Муносабат

Баҳодир ТОЖИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси:

— Кейинги йилларда юртимизда ипакчилик соҳасини ривожлантириш, тутзорларни ташкил этиш ва ипак қуртини боқиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда даромадларини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Хусусан, пиллачилик билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ва ташкилотлар учун қатор солиқ имтиёзлари берилди. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида ҳозирги пайтда республикамизда пилланы қайта ишловчи 71 та, ипак қурти уруғчилиги бўйича 11 та корхона ва 16 та тутчилик хўжалиги самарали фаолият кўрсатиб келаётир.

Аммо бугунги шиддатли даврнинг ўзи пилла етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш, янги корхоналарни очиш ҳисобига соҳадаги бандликни ошириш ва бозор механизмларини жорий этиш ишларини тезлаштириш масалаларини олдимизга қўймоқда.

Сенаторлар томонидан маъқулланган "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига ипакчилик тармоғини янада ривожлантиришга қаратилган қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун ана шу мақсадда ишлаб чиқилган.

Қонун билан Солиқ кодексининг айтиб ўтилган моддасига қатор қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда:

- жисмоний шахсларнинг уй шароитида пилла етиштириш (касаначилик) фаолиятидан олинган даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинади;
- пилла етиштирувчи юридик шахсларнинг уй шароитида пилла етиштирувчи касаначилар меҳнатига ҳақ тўлашга сарфланадиган маблағи ва бўшаган маблағлари касаначиларни моддий рағбатлантиришга йўналтириш шарти билан ижтимоий солиқдан озод этилади;
- пилла етиштириш соҳасида озуқа базаси сифатида фойдаланиладиган тутзорлар билан банд бўлган ер участкалари учун ер солиғи халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари белгилаган солиқ ставкаларига нисбатан 0,1 коэффициент қўлланилган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Ушбу қонун келгусида ипакчилик тармоғини янада ривожлантиришга, ишлаб чиқариш ҳажмини ҳамда тайёр маҳсулотлар улушини, шунингдек, иш билан банд бўлганлар сонини оширишга хизмат қилади.

Шуҳрат ЧЎЛЛИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари:

— Маълумки, узоқ йиллар давомида мамлакатимизда ер ресурсларига оид бўлган қонунчиликда айрим бўшлиқлар мавжудлиги оқибатида ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ва уларда ноқонуний қурилмалар қуриш ҳамда ерлардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари кўпайиб кетган эди.

Давлатимиз раҳбарининг соҳани тартибга солиш ҳамда ердан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича берган топшириқлари ижроси доирасида муҳим натижаларга эришилди. Ҳокимларнинг ер ажратиш ваколати бекор қилиниб, ер участкаларини онлайн-аукцион орқали ажратиш тартиби жорий қилинди ва назорат механизмлари янада кучайтирилди.

Яқинда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида муҳим қонун қабул қилинганидан ҳам хабарингиз бор.

Ялпи мажлисда кўриб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ер участкаларидан самарали фойдаланиш, соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан эса аҳоли томонидан узоқ йиллардан буён эгаллаб келинган, бироқ кадастр ҳужжати бўлмаган ер участкалари ва уларда қурилган иншоотларга бўлган ҳуқуқлар эътироф этилмоқда.

Аммо бу бундан кейин ҳам ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, унда иморатлар қуриш орқали кейинчалик уларни қонунийлаштириб олиш мумкин дегани эмас.

Қонун бундан кейин шу каби ноқонуний ҳолатларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мазкур қонун билан Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда. Бу орқали амалдаги ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузганлик учун белгиланган жазо чоралари янада оғирлаштириляпти.

Жиноят-процессуал кодексида ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш билан боғлиқ жиноятлар прокуратура органларининг терговига тааллуқли эканлиги белгиланаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур.

Яна бир янгилик сифатида эса Иқтисодий ва Фуқаролик процессуал кодекслари судларда ўзбошимчалик билан эгалланган давлат эгалигидаги ер участкаларини қайтариш ҳамда ноқонуний қурилмаларни бузиб ташлашга оид ишларни кўриб чиқишнинг алоҳида тартибини белгиловчи боблар билан тўлдирилаётганини келтириш мумкин.

"Давлат божи тўғрисида"ги Қонунга киритилаётган ўзгартиришларга кўра эса маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фуқаролик ва иқтисодий судларга ер тўғрисидаги қонун бузилиши билан боғлиқ ариза киритишда давлат божидан озод қилиниши белгиланяпти.

Қонуннинг амалга татбиқ этилиши ер участкаларига нисбатан содир қилинаётган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, етказилган зарарни вақтида ундириш ва ноқонуний қурилмаларни тезкорлик билан бартараф этиш тизими яратилишига замин ҳозирлайди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Юртимизда очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, ОАВ фаолиятини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда. Натижада кейинги йилларда телекоммуникация тармоқлари ривожлантирилиб, аҳоли, айниқса, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи халқимизга ундан янада қулайроқ фойдаланиш имкониятлари яратилди, интернет хизматлари нархи сезиларли даражада арзонлаштирилди.

Ялпи мажлисда маъқулланган "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги қонун соҳада фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига қатор имтиёзлар яратиб беришга йўналтирилгани билан эътиборлидир.

Ушбу қонун жорий йилнинг 30 март куни Сенатнинг эллик биринчи ялпи мажлисида маъқулланиб, имзолаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилган эди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ушбу қонунни янада такомиллаштириш юзасидан қатор таклифлар билдирилди. Ўтган даврда у ушбу таклифлар асосида янада маромига етказилди.

Хусусан, телекоммуникациялар соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу соҳадаги ваколатлари белгилаб берилмоқда. Айни чоғда Жаҳон савдо ташкилотига кириш ва аъзолик шартларига мувофиқ, телекоммуникация бозорида регуляторлар (тартибга солувчи орган) ҳар қандай асосий телекоммуникация хизматларини етказиб берувчилардан мустақил бўлиб, унинг қарорлари барча иштирокчиларга тенг ва мажбурий бўлиши кўзда тутилаётир.

Тартибга солувчи органга эса қуйидаги ваколатлар берилмоқда:

- юридик шахсларнинг телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш, рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга ошириш;
- табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар ёки ҳолатларда телекоммуникация инфратузилмаларини белгиланган тартибда чеклаш ёки тўхтатиб туриш;
- телекоммуникациялар тармоқлари ва иншоотларини қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатларининг экспертизасини ўтказувчи юридик шахсларни аккредитация қилиш;
- телекоммуникациялар тармоқларини рақамлаштириш тизимини ишлаб чиқиш ва фойдаланувчилар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш;
- Интернет жаҳон ахборот тармоғи миллий сегменти манзил майдонидан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- кўрсатилаётган хизматлар меъёрларга мослиги бўйича мониторингни амалга ошириш.

Бу қонуннинг қабул қилиниши телекоммуникация инфратузилмасидан унумли фойдаланиш имкониятини яратади ҳамда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ишларида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

«Халқ сўзи».

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК — КРЕАТИВ ИҚТИСОДИЁТ АСОСИ

Шу йил 3 октябрь куни Президентимиз томонидан "Креатив иқтисодиёт тўғрисида"ги Қонун имзоланди. Мазкур ҳужжатга кўра, креатив иқтисодиёт — бу ижодиёт, интеллектуал қобилият, шунингдек, инновацияларга ҳамда технологияларга асосланган инсон салоҳияти натижасида иқтисодий қимматга эга бўлган товарларни (ишларни, хизматларни) яратишга қаратилган иқтисодиёт тармоғи ҳисобланади.

Нуқтаи назар

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда иқтисодиётдаги муҳим ўзгаришни ижодий фаолият натижаси бўлган интеллектуал мулкнинг жамият ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнида асосий ўринга эга бўлганлиги билан характерлаш мумкин.

Бинобарин, креатив иқтисодиёт жуда кўп жиҳатлари билан интеллектуал мулк билан боғлиқ саналади. Хусусан, креатив иқтисодиётнинг асосий принципларидан бири сифатида ижод эркинлигини кўришимиз мумкин. Бу, аввало, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 53-моддасида ифодаланганидек, ҳар кимга илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинади.

Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 27-моддасига кўра, ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин қатнашишга, санъатдан баҳраманд бўлишга, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самараларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Маълумотларга кўра креатив саноат орқали бугунги кунда йилига 2,3 триллион АҚШ доллари миқдорида даромад олинмоқда ва яқин 10 — 15 йилда ушбу соҳанинг дунё ЯИМдаги миқдори 10 фоизга етиши тахмин қилинмоқда. Таъкидлаш керак, ушбу креатив саноатнинг асосини интеллектуал мулк ташкил этади. Хусусан, "Креатив иқтисодиёт тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасида креатив индустриянинг фаолият йўналишлари сифатида адабий ижод, аудиовизуал санъат, ижрочилик санъати, концерт-томоша фаолияти, нашриёт ва матбаа соҳасидаги ижодий фаолият, тасвирий санъат каби қатор муаллифлик ва турдош ҳуқуқларнинг соҳалари ўрин эгаллаган.

Креатив иқтисодиёт, асосан, тараққий топган мамлакатларда турли соҳаларга имконият берган ҳолда тез ривожланмоқда. Сунъий интеллектдан кенг фойдаланиш ва унинг ривожи креатив индустриянинг самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутади. Шу сабабли ҳам креатив иқтисодиётнинг асосий драйвери сифатида интеллектуал мулк натижаси ҳисобланган дастурий таъминот маҳсулотлари, илмий тадқиқот, амалий-конструкторлик ишлари натижалари ҳамда рақамлаштириш ташкил этмоқда.

Келгусида рақамлаштириш ва сунъий интеллект иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий факторлари сифатида белгиланмоқда. Фикримизча, айни ушбу соҳалар келгусида креатив иқтисодиёт тармоқ ва йўналишларини тубдан ўзгартириши мумкин. Зеро, сунъий интеллект элементлари жорий этилаётган тармоқлар сон ва сифат жиҳатдан кенгайиб ҳамда такомиллашиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси маълумотларига кўра, 2022 йилда креатив хизматлар экспортёрларининг топ ўнлигидан Хитой (250 млрд. АҚШ доллари), АҚШ (46 млрд. АҚШ доллари), Италия (39 млрд. АҚШ доллари), Франция (30 млрд. АҚШ доллари), Германия (29 млрд. АҚШ доллари), Ҳиндистон (21 млрд. АҚШ доллари) ва бошқа мамлакатлар ўрин олган. Мазкур халқаро ташкилот креатив индустрияни ижодиёт ва интеллектуал салоҳият натижасида яратилган ҳамда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларни тижоратлаштириш сифатида характерлайди.

Интеллектуал мулк фаолияти ҳам яратиш, муҳофаза қилиш ва тижоратлаштириш каби уч босқичдан иборат ҳисобланади. Агар биз креатив индустрияни ижодий фаолият натижасида яратилиши ва амалиётга жорий этилиши факти билан изоҳласак, интеллектуал мулк сифатида ушбу ижодий фаолият натижаси ҳуқуқий муҳофазага ҳам олиниши керак бўлади.

Маълумки, шу йил 2 — 4 октябрь кунлари Тошкент шаҳри креатив иқтисодиёт бўйича 4-Бутунжаҳон конференциясига мезбонлик қилди. Мазкур халқаро форум ишида 80 дан ортиқ мамлакатлардан келган 2 мингдан зиёд иштирокчилар ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар қатнашди. Мазкур форумнинг асосий мавзуси сунъий интеллектнинг кенг жорий этилиши ва технологияларнинг ривожланиши натижасида юзага келаётган ижтимоий ҳамда иқтисодий муаммоларни муҳокама қилишга қаратилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, "Креатив иқтисодиёт тўғрисида"ги Қонун билан ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

— креатив индустрия соҳаларида фуқароларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

— креатив индустрияни иқтисодиётнинг фаол тармоқларидан бирига айлантириш орқали креатив маҳсулотлар айланмасини ошириш;

— креатив индустрия субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда тенг имкониятлар яратиш;

— креатив индустрия соҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш;

— креатив иқтисодиёт соҳасида илм-фан ва илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш ҳамда креатив ғояларни ва лойиҳаларни амалга оширишда кўмаклашиш;

— креатив индустрия субъектлари учун зарур инфратузилмани яратиш;

— креатив маҳсулотлар яратишда илм-фан ва технология ютуқларидан ва инновацион ёндашувлардан фойдаланилишини таъминлаш;

— мазкур соҳадаги кўникмаларни ривожлантириш мақсадида креатив индустрия соҳаларида таълим тизимини такомиллаштириш, замонавий таълим дастурларини жорий этиш;

— креатив индустрия субъектларининг ижодий салоҳияти ва имкониятларини рўёбга чиқариш бўйича чекловларни бартараф этиш;

— миллий маданият ва миллий брендлар халқаро майдонда кенг танитилишини таъминлаш.

Ушбу келтириб ўтилган йўналишлар Президентимизнинг 2022 йил 26 апрелдаги "Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш стратегиясининг мақсад ва вазифалари билан ўзаро ҳамоҳангдир. Шунингдек, юқоридаги қонун ўзида креатив индустрия субъектларининг мол-мулкини ҳимоя қилишни, интеллектуал мулк соҳасига оид тартиб-таомилларни соддалаштиришни ҳам назарда тутган.

Креатив иқтисодиёт ҳозирда маданият, санъат, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа шу каби тармоқлар фаолиятининг асосий негизи сифатида Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти, БМТнинг Савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси, БМТнинг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилотининг асосий йўналишларидан бирига айланиб улгурган. Зеро, креатив иқтисодиёт бу маданият, санъат, кино, мусиқа, дизайн каби интеллектуал мулк йўналишларга доир илғор технологик маҳсулотлар ва ижодни ўзида ифодалаган соҳа саналади.

Креатив иқтисодиётнинг ривожланиши учун жой ва минтақа танланмаслиги бугунги ахборот тараққий этган даврда ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабли ҳам Ўзбекистонда мазкур соҳа равнақига янада катта эътибор қаратиш ва рағбатлантириш орқали янги иш жойлари ташкил этишимиз мумкин. Бундан ташқари, мамлакатимиз маданият, санъат, ҳунармандчилик, дизайн каби ижодкорлик йўналишларида бой тарих ва истеъдодларга эга. Айнан ушбу соҳаларни креатив индустрияга кенг йўналтириш орқали Ўзбекистоннинг ЯИМда креатив иқтисодиётнинг улушини ошириш имконияти мавжуд. Ҳатто иқтисодий инқироз пайтида ҳам креатив индустрия ўзининг барқарорлигини сақлаб қолади. Энг муҳими, ушбу "саноат" йўналиши ишчи ёки ходимни танламайди, унда ҳар ким ўз истеъдодидан келиб чиқиб иштирок этиш ва даромад олиш имкониятига эгадир.

Абдумўмин ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент давлат юридик университети Интеллектуал мулк ҳуқуқи кафедраси мудири ўринбосари, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚАДРИЯТ ВА ПРИНЦИПЛАР ТАЛҚИНИ

2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдум орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимизнинг янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича орзу-умидлари ва қатъий интилишининг яққол намунаси бўлди, десак, асло муболаға эмас.

Янги дарслик

Дарҳақиқат, янги таҳрирдаги Конституциямизда миллий давлатчилик ривожининг муҳим босқичига хос бўлган халқчил тараққиёт стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий механизмлари белгиланиши баробарида давлат ва жамият ҳаёти ривожининг устувор принциплари қамраб олинган.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 8 майдаги "Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институтига "янги таҳрирдаги Конституция асосида янги ўқув дастурлари, дарсликлар ва бошқа қўлланмаларни тайёрлаш бўйича илмий-методик чора-тадбирларни мувофиқлаштириш" вазифаси белгиланган.

Тажрибали ҳуқуқшунос олим ва моҳир педагог, юридик фанлар доктори, профессор Озод Ҳусанов томонидан нашрга тайёрланиб, яқинда чоп этилган "Konstitutsiyaviy huquq" фанидан олий ўқув юртлари учун дарслик Президентимиз Фармонида белгиланган вазифалар ижросига қаратилган.

Мазкур китобда янги таҳрирдаги Конституциямиздаги суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат принципларини илмий англаш, шунингдек, ёшлар онгига ижтимоий адолат ва бирдамлик принципларини сингдириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмлари, конституциявий асосларини ўқитишга замонавий ёндашув акс этган.

Академик А. Саидов масъул муҳаррирлигида нашр қилинган ушбу дарсликда "Konstitutsiyaviy huquq" фани предмети доирасига кирувчи мавзулар ёритилган бўлиб, унда Асосий Қонунимизга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар эътиборга олинган.

2024/2025 ўқув йили бошида қайта нашр этилган мазкур дарсликнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, унда аввалги дарсликдаги айрим жузъий камчиликлар бартараф қилиниб, янги таҳрирдаги Конституцияда белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқлари, жумладан, сиёсий ҳуқуқлар, прокуратура, адвокатурага оид мавзулар янгитдан тўлдирилди. Аралаш сайлов тизимига киритилган ўзгартириш, қўшимчалар, маҳаллий ҳокимият фаолиятини кучайтиришга тегишли янгиликлар (масалан, "маҳалла еттилиги") ўз ўрнини топди.

Шу маънода, Бош қомусимизда мустаҳкамланган нормалар ҳамда юқорида кўрсатиб ўтилган муҳим ҳужжатлар ижроси доирасида тайёрланган "Konstitutsiyaviy huquq" дарслиги Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ўтказилган танловда ғолиб топилиши ҳамда вазирлик томонидан нашрга тавсия этилиб, қисқа муддатларда чоп қилиниши айни муддао, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Дарслик тушунарли, содда тилда ёзилгани, фаннинг энг зарур ва бирламчи фундаментал билимларни беришни назарда тутгани, қамрови фан дастури доирасидан чиқиб кетмагани билан ҳам ажралиб туради. Шунингдек, уни ўрганишга киришган ўқувчини "Konstitutsiyaviy huquq" фани бўйича мустақил билим олиш ва амалий кўникмаларни мустаҳкамлашга йўналтира олиши билан ҳам аҳамиятлидир. Дарсликда бугун мамлакатимизда олиб борилаётган конституциявий ислоҳотлар, хусусан, давлат функцияларининг замон талабларига мос ўзгариб бориши, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг масъулияти кучайтирилиши каби қатор демократик янгиланишларга алоҳида урғу берилган.

Дарслик, асосан, олий ўқув юрти талабалари учун мўлжалланган бўлса-да, ундан барча таълим тури ва босқичларида Конституцияни ўрганишда муҳим қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Абдуманноб РАҲИМОВ,
Акмал РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьялари, юридик фанлар номзодлари.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 12 718 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 05.30 Топширилди — 05.45 1 2 3 4 5 6